

Танловга: Аср вабоси

15:46 / 19.04.2017 2811

Маълумки, гиёҳвандлик ер юзи бўйлаб асримиз вабоси сифатида тез суръатлар билан тарқалиб бормоқда. Гиёҳвандликнинг жисмоний ва маънавий зарарлари тўғрисида Дунё оммавий ахборот воситалаи орқали кўпдан кўп маълумотлар берилмапти. Унга бағишлаб кўп мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам қатор халқаро анжуманлар ўтказилди, гиёҳвандликка қарши чора-тадбирлар кўриш мақсадида кўплаб маҳаллий ва халқаро ташкилотлар таъсис этилди. Афсуски, бу офат манбаи ҳануз ўз ишини қилиб келмоқда. Ислом шариатида инсон жони ва ақлини сақлаш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Агар инсон Аллоҳнинг бу ҳаётий тавсияларга риоя қилса унинг икки дунёси хайрли кечади. Зеро, Аллоҳ Қуръони Каримда инсонни бошқа мавжудотлардан ақлли ва мукаррам қилиб яратганини каломи шарифда шундай деб таъкид-лайди. Дарҳақиқат, Биз Одам фарзандини азиз ва мукаррам қилдик, деб марҳамат қилади. Бу разолат манбаи саналмиш гиёҳвандлик дунё мамлакатларидаги олий ўқув юр்தларининг айрим талабаларидан тортиб, бошланғич ва ўрта таълим олаётган ёшларгача, эркагу аёллар ўртасида баробар илдиз отиб, палак ёзаётгани ақл - идрокли кишиларни, албатта бефарқ қолдирмаслиги керак. Алҳамдулиллоҳ, бизнинг ўлкамизда гиёҳванд моддаларининг тарқалиши олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг бир қатор оятларида инсонларни ўз жонига қасд қилмасликка, шунингдек ўзгаларнинг ҳам қонларини ноҳақ тўкмасликка буюради. Гиёҳвандлик эса охири ўлимга олиб келадиган нарсаларни истеъмол қилиш билан ўз жонига ўзи қасд қилган бўлади. Гиёҳванд моддалар ифлос ва жирканж нарса саналади. Бу моддалар кўпгина бошқа зарарлари билан бир қаторда маст қилиш хусусиятига ҳам эгадир. Ҳазрати Ойша (р.а) айтганларки: «Аллоҳ таоло ароқни ароқ деган номи учун ҳаром этган эмас, балки уни истеъмол қилгандан кейин рўй берадиган кўнгилсиз воқеалар учун ҳаром қилган. Қай бир нарсанинг охир - оқибати ароқ каби салбий бўлса, у ҳаромдир» (Дориқутний, Қуртубий тафсири, 37-48 бет).

Умму Салама онамиз ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ с.а.в ҳар қандай маст қилувчи, баданни бўшаштирувчи ва сусайтирувчи нар-саларни истеъмол қилишни ман этганлар». Бу ҳадис билан истеъмол қилганда танани бўшаштирувчи ва ақлни кетказувчи ҳар қандай нарса ҳаром бўлади. Бу қабиҳ ишни билган, ўз оиласини, яқинларини, бутун

инсониятни ва келажак авлодларни ўйлаган ҳар бир киши гиёҳвандликка қарши курашда фаол бўлиши зарур.

Азиз ватандошлар, инсон ҳаёти, айниқса ёшларимизнинг келажакига раҳна солаётган гиёҳвандликка қарши курашиш Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросининг, қолаверса, барчамизнинг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб ҳисобланиши лозим. Зеро, жамият ҳаётидаги мавжуд бўлган зарарли иллатни йўқ қилиш ҳар бир мусулмоннинг шарафли бурчидир.. Бу ҳақида Пайғамбаримиз «Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига севган нарсани биродарига ҳам бўлишни истамагунича, ҳақиқий мўъмин бўлмайди», деб марҳамат қилдилар. Демак, ўзига раво курган фаровон ҳаёт, соғлиқ ва саломатликни бошқаларга ҳам раво кўриш, уларни ҳалокатга етакловчи иллатлардан қайтариш ҳақиқий мусулмонлик аломатларидандир. Хайрли ишларимизда Аллоҳнинг ўзи ҳаммаларимизга мададкор бўлсин!

Пахтаобод туман бош имом ҳатиби:

А.УСМОНОВ